Ҳоқсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◇ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 15 ноябрь, шанба • №93 (11.584) • Эркин нархда сотилади

Вилоят ҳокимлигида

## АНИҚ ДАСТУР АСОСИДА

*Вилоят ҳокимлигида паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, истиқболсиз ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлари, уларнинг биринчи ўринбосарлари ҳамда ушбу вазифани амалга оширишга бевосита алоқадор бўлган бошқарма ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.*

Йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Сайдулло Бегалиев бошқарди.

Йиғилиш иштирокчилари республика Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг ушбу концепцияни амалга оширишга оид қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокими қабул қилган қарорнинг бажарилиши билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Вилоят ҳокимининг ушбу қарорига асосан вилоятда 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилди. Зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш, қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари тасдиқланди.

Иқтисодий ночор ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича вилоятда бирмунча тажриба орттирилгани йиғилишда таъкидланди. Хусусан, ҳозирги кунгача зарар кўриб ишлаб келган 11 та иқтисодий ночор хўжалик фермер хўжаликларига айлантирилди. Ана шу жараёнда айрим камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилдики, бу Президент Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимининг қарорларини амалга ошириш жараёнида жиддий сабоқ бўлмоғи лозим. Шу муносабат билан фермер хўжаликларига ажратилган ерлардан тўғри ва самарали фойдаланиш, уларга сервис хизмати кўрсатувчи инфратузилма объектлари, яъни мини-банк, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар сотиш шохобчалари ва муқобил МТПларни ўз вақтида ташкил этиш билан боғлиқ масалалар хусусида ҳам сўз борди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

«Пахта — 2003»

## ЮТУҚНИНГ БОШ ОМИЛИ



**Ўртачирчиқ туманидаги А. Икромов номли ширкат хўжалиги давлатга пахта сотиш режасини бажарди.**

Хўжаликда 701 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Қабул пунктларига 1875 тонна сифатли пахта хом ашёси етказиб берилди.

Бундай ютуқнинг асосий омили моддий манфаатдорлик бўлди. Биз хўжаликнинг молия-ҳисоб марказида ҳисоб-китоб қилиб кўрдик. Пудратчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари 70 минг сўм (7 ойга ҳисоблаганда), йиллик умумий даромадлари эса, 500 минг сўмга тўғри келмоқда. Бу далада иш бошланган пайтдан ҳар ойда иш ҳақи ўз вақтида бериб борилгани натижасидир. Шу боис, пахта эккан 46 нафар оилавий пудратчининг ҳаммаси шартнома режасида белгиланган даражада ҳосил етиштиришга эришди.

Йиғим-теримда ҳам моддий рағбатлантириш усулларидан самарали фойдаланилди. Хусусан, шартнома режасини биринчи бўлиб бажарган икки нафар пудратчига 50 минг сўмдан мукофот белгиланган эди. У М. Парпиев билан Ҳ. Бозоровга насиб этди.

— Биз Чирчиқ «Электркимёсаноат» ҳамда Оҳангарондаги «Эйвалек» корхоналари ишчи-хизматчиларига чуқур миннатдорчилик билдирамиз, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Нуриддин Турғунов. — Улар даладаги ҳосилни йиғиб-териб олишда бизга катта кўмак беришди.

***Самад ЙЎЛДОШ.***

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар



Шаҳар ва қишлоқларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов қизғин паллага кирди. Бу кампания Бекобод шаҳрида ҳам юксак уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда. Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этишга кўмаклашувчи шаҳар комиссиясининг кўмаги катта бўлаяпти.

***СУРАТДА:*** *фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этишга кўмаклашувчи Бекобод шаҳар комиссияси аъзолари фаолиятидан лавҳа.*

***Даврон АҲМАД олган сурат.***

## ТАШАББУС, ТАКЛИФ ВА ФАОЛЛИК

*Бутун республикада кечаётган бугунги сиёсий фаоллик фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари саъй-ҳаракатлари самарадорлигини оширишга катта таъсир кўрсатишига шак-шубҳа йўқ. Чунки, маҳаллий бошқарувнинг бу бўғинидаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари уларни янги режалар билан бойитмоқда.*

Жумладан, яқинда ана шундай ҳисобот-сайлов йиғилишлари Келес шаҳрининг Қорасарой, Кўктерак маҳаллалари фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтди.

— Бу йиғилишлар очиқ, эркин, демократик тарзда ўтаётганлиги билан олдингиларидан тубдан фарқ қилади, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари, ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари Раҳимжон Солиҳов. — Ҳисо-

**(Давоми 2-бетда).**

## Сайёҳлар кўпаядиган бўлди

*АҚШнинг "Daуton tour" сайёҳлик компанияси америкаликларнинг мамлакатимизга бўлган қизиқиши кун сайин ортиб бораётганини ҳисобга олиб, юртимизга сайёҳлик йўналишини ташкил этиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқди.*

Уни амалга оширишда Ўзбекистон томонидан "Planeta tour" фирмаси ҳамкорлик қиладиган бўлди.

"Planeta tour" сайёҳлик фирмасида бўлиб ўтган лойиҳа тақдимотида америкалик сайёҳлар учун Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларни томоша қилиш имкони кенгайгани таъкидланди.

***ЎзА.***

## МАҲАЛЛА ТЎЙХОНАСИ

*Қибрай туманидаги «Ўнқўрғон» маҳалласида тадбиркор Зиёдулла Маҳмудов ўз ҳисобидан 400 кишига мўлжалланган тўйхона бунёд этди.*

Унда кўплаб қулайликлар муҳайё этилган. Эндиликда маҳалла аҳли бу ерда турли тантанали маросимлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш имконига эга бўлди.

***Камола СУННАТОВА.***

AZIZ D`OSTLAR!

Республика почта алоқа бўлимлари ва газета дўконларида, «Матбуот тарқатувчи» вилоят, туман ва шаҳар бўлимларида **2004 йил учун** бошқа нашрлар қатори **«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»**га ҳам **обуна** расмийлаштирилиши давом этмоқда.

**Эслатиб ўтамиз: бизнинг индекс – 205.**

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!**

TOSHKENT HAQIQATI № 93 [11.584] 15[11]2003

# ТАШАББУС, ТАКЛИФ ВА ФАОЛЛИК

бот-сайлов жараёнида ҳар бир киши ўз фикри ва хоҳиш-иродасини эркин ифода этаяпти. Яна бир эътиборли томони — иштирокчилар сайланаётган вакилларга оқсоқолликка кўрсатилаётган номзод бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини очиқ айтишаётир.

Кейинги йилларда Қорасарой қиёфаси янгича тус олди. Жумладан, маҳалла фуқаролар йиғини ва Абдураҳмонов номли ширкат хўжалиги ташаббус билан чиқишиб, янги мактаб биноси қуришни бошлаб юборишди. Бундан ташқари, 10-умумтаълим ўрта мактаби жорий таъмирдан чиқарилиб, ўқувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Хайрли ишлардан яна бири олий ўқув юртларига кирган талабаларни моддий қўллаб-кувватлаш мақсадида уларнинг шартнома асосидаги пулларини тўлаш таклифи ҳам маъқулланди. Албатта, масала кўтарилгандаёқ, маҳалладошлар бу таклифни тўла маъқуллашганди. Сабаби, ўз ҳудудларида зиёли, олим ва олималар кўпайса, нафақат маҳалла корига, балки юрт истиқболига муносиб ҳисса қўшадиган йигит-қизлар сафи ортади. Оқсоқол, маҳалла фаоллари тайёр кадрларни иш билан таъминлаш бўйича ҳам чора-тадбирлар белгилаб, тегишли идорага мурожаат этишяпти.

Ҳисоботни муҳокама қилиш чоғида Абдураҳмонов номли ширкат хўжалиги раиси Абдураҳим Абдураҳмонов, маҳалланинг фаолларидан Ҳусан Шукуров, Асқар Одилов ва бошқалар ободончилик ишларини, балоғатга етмаган ўғил-қизлар тарбиясига оид тадбирларни яна ҳам кучайтириш юзасидан фойдали мулоҳазалар билдиришди. Нотиқларнинг аксарияти янги режаларни тўла қўллаб-қувватлаб, ўз номзодларига катта ишонч билдиришди.

Эл-юрт осойишталиги, ободончилик, оилаларда тотувлик учун ибратомуз ишларга бош-қош бўлиб келаётган маҳалла оқсоқоли Турғун Мирзаевга вакиллар қатъий ишонч билдириб, уни янги муддатга қайта сайлашди.

*Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,*
*«Тошкент ҳақиқати» мухбири.*

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллигига

## Ўзбек олими — жаҳон академияси аъзоси

*Яқинда ҳамюртимиз, математика фанлари доктори Шавкат Аюпов Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларини бирлаштирган жаҳон фанлар академиясининг (TWAS) ҳақиқий аъзоси бўлди. Мазкур академиянинг дунёдаги турли илмий муассасалар вакиллари бўлган 600 дан ортиқ аъзоси бор. Ҳозирча Ш.Аюпов улар орасида республикамизнинг ягона вакили.*

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари, Фанлар академиясининг Математика институти алгебра ва таҳлил бўлими раҳбари Ш.Аюпов фундаментал фанларни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди. У жаҳон математика ҳамжамиятига яхши таниш ўнлаб илмий ишлар муаллифидир.

Ш.Аюпов Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети механика-математика факультетининг алгебра ва сонлар назарияси кафедраси мудири ҳамдир. У юзлаб юқори малакали мутахассисларни тайёрлади. Ҳозирги кунда унинг шогирдлари турли илмий ва маориф муассасаларида меҳнат қилмоқда. Ш.Аюповнинг халқаро академия ҳақиқий аъзоси этиб сайланиши мамлакатимиз математика фанини ривожлантиришда янги имкониятлар очади.

TWAS президенти жаноб Рао Ш.Аюповга йўллаган мактубида уни академик этиб сайланганини билан чин дилдан табриклаб, ушбу воқеа ўзбек олимининг жаҳон фанига қўшган улкан ҳиссаси эътирофи эканлигини таъкидлаган.

– Бу йил Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллиги кенг нишонланади, – дейди профессор Ш.Аюпов. – Шуни таъкидлаш керакки, бутун дунёда олимларимизнинг фундаментал ва амалий фанларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси юқори баҳоланади. Мамлакатимизда фан тараққиётига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўйлашимча, ўзбек олимларининг янги кашфиётлари ва ютуқлари ҳали олдинда.

*В. ДРАЧЕВ,*
*ЎзА мухбири.*

16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик куни

# Бағрикенглик – бирдамлик кафолати

*Республика байналмилал маданият марказида 16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик кунига бағишлаб "Ўзбекистон Конституцияси ва этник бағрикенглик – жамиятда фуқаролар тотувлигининг кафолати" мавзуида анжуман бўлиб ўтди.*

Тадбир мазкур марказнинг ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Жамоатчилик фикрини ўрганиш "Ижтимоий фикр" маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда сўзга чиққанлар юртимизнинг асрлар мобайнида бағрикенг диёр сифатида ном қозонганини таъкидлади. Тарихий илдизлари аҳиллик, биродарлик, меҳмондўстлик билан йўғрилган халқимиз азалдан турли миллат вакиллари билан доим иноқликда яшаб, уларнинг маданиятига ҳурмат ва бағрикенглик билан муносабатда бўлиб келган.

Миллий истиқлол ғояси халқимизнинг манфаати, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек улкан мақсадларни ўзида мужассам этади. Бундай эзгу мақсадга эришиш учун юрт тинч ва осойишта бўлиши лозим. Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик эса ана шу барқарорликнинг муҳим шартларидандир. Шу боис мустақилликнинг илк йилларидан юртимизда миллатлараро муносабатларда бағрикенглик, аҳиллик ва тинчлик-тотувликни янада мустаҳкамлашга катта аҳамият қаратилиб келинади. Бу борада давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган узоқни кўзловчи оқилона сиёсат жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари, жумладан, ЮНЕСКО томонидан кўп бор эътироф этилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси эса миллатлараро аҳиллик, тотувлик, бағрикенгликнинг ҳуқуқий асоси сифатида дунёнинг йирик олим ва экспертлари томонидан тан олингани эътиборга лойиқ.

Анжуманда қайд этилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда бир юз ўттиздан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Мамлакатимизда фаолият юритаётган 130 дан ортиқ миллий-маданий марказнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда Республика байналмилал маданият марказининг ўрни ва аҳамияти катта. Заминимизда истиқомат қилаётган турли миллатларнинг этник ўзига хослиги, тили, урф-одати, анъаналарини сақлашга хизмат қилувчи миллий-маданий марказлар фаолиятини ривожлантириш учун барча шароит яратилган.

Тадбирда миллатлараро ва диний бағрикенглик тамойиллари мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари, миллий-маданий марказлар, диний идоралар зиммасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Ҳусниддинов сўзга чиқди.

*Назокат УСМОНОВА,*
*ЎзА мухбири.*

*ХВЖ ижроия кенгаши Ўзбекистон Республикаси миллий валютанинг халқаро операциялар бўйича конвертациясини таъминлашга доир мажбуриятларни қабул қилганини маъқуллади.*

## ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИНИНГ ЭЪТИРОФИ

Халқаро валюта жамғармасининг жорий йил 11 ноябрда берган расмий маълумотига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати 2003 йилнинг 15 октябридан ушбу жамғарма Битим моддаларининг VIII модда 2(а), 3- ва 4- бўлимлари бўйича мажбуриятларни қабул қилгани ҳақида ХВЖга аввал маълум қилган эди.

Ўзбекистон ХВЖ билан 1992 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келади. Айниқса, кейинги бир ярим йил ушбу ҳамкорликнинг энг самарали даври бўлди. Шу давр мобайнида 2003 йилнинг охиригача сўмнинг конвертациясини таъминлашни кўзда тутувчи қўшма "Миллий валютанинг жорий халқаро операциялар бўйича конвертациясини таъминлашга доир ҳаракатлар режаси" амалга оширилди.

Ўзбекистон билан Халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги амалий мулоқотлар Ҳаракатлар режасида кўзда тутилган барча тадбирларнинг белгиланган муддатидан олдин бажарилишига ёрдам берди.

ХВЖнинг қайд этишича, Ўзбекистон ўз миллий валютасининг конвертациясини таъминлаш билан халқаро ҳамжамиятга бу ҳақда маълум қилади ва халқаро тўлов тизимини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Ўзбекистон Республикаси миллий валютани жорий халқаро операциялар бўйича конвертация қилишни ХВЖ ва бошқа молия институтлари кредитларини жалб қилмаган ҳолда амалга оширгани алоҳида таъкидланган. Бунга қатъий пул сиёсати, ташқи қарз олиш борасида оқилона сиёсат юритилиши ва мамлакатда умумий макроиқтисодий муҳитни янада соғломлаштириш туфайли эришилди.

*(ЎзА).*

# ДИҚҚАТ, ОЙЛИК!

**Шу йилнинг 20 ноябридан 20 декабригача Тошкент вилоятида ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда.**



Ойликни ўтказишдан асосий мақсад идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар иншоотлари ҳамда уй-жойларни ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтиришдан иборат.

Вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси вилоятимизнинг барча фуқаролари, корхона ва ташкилотлар раҳбарларига мурожаат қилиб, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя этиб, шу соҳа хизмати ходимлари томонидан кўрсатилган барча камчиликларни ўз вақтида бартараф этадилар, деб умид қилади.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш орқали сиз ўт балосининг келиб чиқишини бартараф этган, давлат ва шахсий мол-мулкингизни, ўзингизни, хонадонингизни ва атрофингиздаги кишилар ҳаётини асраб қолган бўласиз.

*Тошкент вилояти ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси.*

## Меҳр-мурувват ҳафталиги

*Болалар бизнинг келажагимиз, суянчиғимиз, ҳаётимиз ва ишларимизнинг давомчилари. Шу боис, уларни ардоқлаймиз, маънавий дунёси гўзал, баркамол инсонлар бўлиб етишишлари учун жону жаҳонимизни аямаймиз.*

*Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг навқирон авлод тарбиясига эътибор алоҳида тус олди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. «Болалар», «Соғлом авлод учун» жамғармалари ташкил этилди. Болаларга ғамхўрлик давлатимизнинг, мамлакатимизнинг Асосий Қонунида, бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида ўзининг мукаммал ифодасини топди. Ўзбекистон Республикасининг «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция»га қўшилиши бу борадаги ишларимизни янада юқори поғонага кўтарди. Янгидан ишга киришаётган «Сен ёлғиз эмассан» ташкилоти ҳам болаларга меҳр-мурувват кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шу кунларда дунё ҳамжамияти «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция» қабул қилинганлигининг 14 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда. Республикамизда ҳам шу муносабат билан ҳафталик ўтказишга қарор қилинди.*

*Бизнинг Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова билан суҳбатимиз ҳам вилоятимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида бўлди.*

# БОЛАЛАР – ЭРТАМИЗ, ИСТИҚБОЛИМИЗ

**— Адиба Комилжоновна, аввало, болаларни алоҳида ҳимоя қилиш, уларга ғамхўрлик кўрсатишнинг халқаро ҳуқуқий асослари тарихига бир назар ташласак?**

— Ҳамма даврларда навқирон авлод тарбияси муайян эътиборда бўлганлигини тарихдан яхши биламиз. Лекин ўтган асрнинг бошларига келиб, иқтисодий-ижтимоий ҳолатлар таъсирида болаларни ҳимоялашнинг муайян халқаро ҳуқуқий асосларини яратиш эҳтиёжи кучайди. 1924 йилда Бола ҳуқуқлари Женева декларацияси, 1959 йили эса Бола ҳуқуқлари декларацияси қабул қилинди. Иштирокчи давлатлар бир қатор асосларни назарда тутиб, 1989 йил 20 ноябрда «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция»ни қабул қилишди.

Ушбу Конвенция болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро меъёрларини яратиб берди. Улар ҳар бир бола учун барча ҳуқуқларни таъминлашни назарда тутади. Бу, аввало, боланинг яшаб кетиши ва соғлом ривожланиши, ўз фикрини эркин ифодалаши учун шароит яратилишини, болага нисбатан жисмоний ва руҳий зўравонликлар, ҳақоратлаш ва суиистеъмолликларга, уларни эксплуатация қилишга йўл қўйилмаслигини назарда тутади. Жумладан, иштирокчи-давлатлар боланинг жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий камол топиши учун барча чораларни кўришни ўз зиммаларига оладилар. Қисқаси, Конвенциянинг ҳар бир моддаси ва бандида халқаро ҳамжамиятнинг бола ҳақидаги ғамхўрлиги ўз ифодасини топган.

**— Айтинг-чи, Конвенция талабларини бажариш бўйича мамлакатимизда, хусусан, вилоятимизда қандай ишлар амалга оширилаётир?**

— Конвенцияга, мамлакатимизнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳар бир бола, миллатидан қатъи назар, Ватанимиз фарзанди. У соғлом, маънавияти баркамол бўлиб етишса, мамлакат куч-қудрати ошади. Вилоят ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари котибияти ҳам «Она ва бола» дастури асосида кўп иш қилаяпти. Кейинги йилларда иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор тадбирлар белгиланди ва амалга оширилмоқда. Масалан, «Замона ёшлари», «Умид ғунчалари», «Мафтункор ранглар жилоси» каби кўриклар ҳар соҳадаги иқтидорли ўғил-қизларимизга рағбат бағишламоқда. Агар «Мафтункор ранглар жилоси» кўрик-танлови фақат имкониятги чекланган болалар учун ташкил этилишини назарга олсак, унинг моҳияти яна ҳам яққол англашилади.

Биз қизларимизнинг билимли, ташкилотчи, ташаббускор бўлиб ўсишларига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Уларнинг етакчилик қобилиятларини ривожлантириш борасида, айтайлик, Қуйичирчиқ туманида амалга оширилаётган ишлар, айниқса, ибратлидир. Туманда қизлар клуби ташкил этилган. У турли йўналишлар бўйича фаолият кўрсатаётир. Фақат касб-ҳунар ўргатиш эмас, қизларимизнинг ўзбекона хулқ-ахлоқини тарбиялаш, маънавий дунёсини бойитишга қаратилган машғулотлар ҳам кўп ўтказилаяпти.

Дарҳақиқат, биз фарзандларимизни халқимизнинг азалий фазилатлари руҳида тарбияласак, ҳақиқий ватанпарварлар қилиб вояга етказсак, бундан келажакда давлатимиз, бутун жамият катта фойда кўради. Зеро, ёшлар — мамлакат суянчиғи. Эл-юрт, Ватан ўз фарзандларининг баркамоллиги, садоқати билан равнақ топади, кучига куч қўшади.

**— Шу кунларда жаҳон ҳамжамияти Конвенция қабул қилинганлигининг 14 йиллигини нишонлашга тайёрланмоқда. Шу муносабат билан вилоятимизда қандай тадбирлар амалга оширилаётир?**

— Шуни айтиш кифояки, шу йилнинг 17-23 ноябрь кунлари Ўзбекистонда ҳафталик ўтказиш кўзда тутилмоқда. У «Ҳар бир фарзандга — меҳр, эътибор!» шиори остида ташкил этилаяпти.

Вилоятимизда эса шу ҳафталик доирасидаги тадбирларни 14 ноябрь куни бошлаб юбордик. Режага кўра, шаҳар ва туманларимизда болалар ижоди кўргазмалари, «Ота, она ва мен» спорт мусобақалари, викториналар ўтказилади. Ногирон ва етим болалар, кўп болали оилаларнинг фарзандлари учун хайрия тадбирлари уюштирмаямиз. Бу ишларнинг кўлами ниҳоятда кенг. «Болалар», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари ўз режалари бўйича қатор тадбирларни амалга оширадилар. Умуман, болаларга бутун жамоатчиликнинг ғамхўрлиги, меҳр-оқибати янги куч билан намоён бўлади.

Вилоятимиздаги ўнта махсус интернат, иккита меҳрибонлик ва иккита гўдаклар уйи тарбияланувчиларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хайрия тадбирларимизда, жумладан, «Росзарубежцентр», Американинг «JDA» ташкилоти, шунингдек, «COUNTERPART INTERNATIONAL» халқаро жамияти иштирок этиш хоҳишини билдиришди. «Nestle» компанияси ходимлари ҳам инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб, хайрия тадбирларимизда фаоллик кўрсатишмоқда.

Суҳбатимиз сўнгида мен шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, фарзандларимиз — умидимиз, келажагимиз. Улар болалик бахтини чуқур ҳис қилиб ўсишлари учун нимаики зарур бўлса, ҳаммасини амалга оширамиз. Ўйлайманки, бу борада нафақат давлат ташкилотлари, балки барча жамоатчилик, корхоналар, муассасалар ҳам фаол иштирок этадилар.

*Суҳбатдош:*
*Жўрабек МУРОДОВ.*







## Очиқ эшиклар куни

*Қандли диабет — дунёда кенг тарқалган хасталиклардан бири. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига қараганда, айни пайтда ер юзида миллионлаб киши ундан азият чекмоқда.*

ЖССТ томонидан 14 ноябрь – Халқаро қандли диабетга қарши кураш куни, деб эълон қилинган. Мазкур сана муносабати билан Эндокринология институтида очиқ эшиклар куни ташкил этилди. Шу куни қандли диабет хасталигига чалинган ўнлаб беморлар институт лабораторияларида бепул текширувдан ўтказилиб, даволаниш учун тегишли тавсиялар олди.

*О.НОРБЕКОВ,*
*ЎзА мухбири.*

## ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРАДИ

*«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ангрен шаҳар Кенгаши 60 минг нафар ёшларни ўз сафига бирлаштирган. У 120 та бошланғич ташкилотга эга.*

Кенгаш фаоллари «Камалак» Болалар ташкилотининг шаҳар бўлими сардорлари билан ҳамкорликда мактаб ва коллежларда таълим олаётган ўқувчи-талабаларнинг жисмоний, руҳий ва маънавий-маърифий камолоти йўлида кўплаб ижобий натижаларга эришмоқда. Ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган «Умид» ёшлар клубидаги мунозаралар самараси, айниқса, ижобий бўлмоқда. «Камолот» фаоллари «Маҳалла», «Нуроний» хайрия жамғармаларининг шаҳар бўлими ва хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Камолот» кубоги учун ўтказаётган спорт мусобақалари, маънавий-маърифий тадбирлар ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг камайишига, ўғил-қизларнинг жисмонан, руҳан ва маънан етук бўлиб камол топишига омил бўлмоқда.

«Пахта-2003» мавсуми бошида Ангрен шаҳридан келиб, Бўка тумани далаларида пахта тераётган 9 минг нафардан зиёд ҳашарчиларнинг ҳордиқ дамларини мазмунли ўтказиш мақсадида маданий тадбирлар режаси белгиланганди. Уларни ўтказишда «Камолот» билан шаҳар маданият ишлари бўлимининг ҳамкорликдаги фаолияти ижобий самара бермоқда. Бу эзгу ишдан Рустам Кўкиев раҳбарлигидаги «Камолот» оилавий мусиқа дастаси ҳам четда қолмади.

*Воҳид БОЙМУРОДОВ.*

бармоқ.
17.25 «Мўмидолда куз». Мультфильм.
17.40 «Фарзандим-жигарбандим». Маҳалла ҳаётидан лавҳалар.
18.05 Ракурс.
18.25 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» – интервью.
19.50 «Coscom» хабарлари.
19.55 Ёшлар овози.
20.15 Мезон.
20.35 ТВ – адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 «Умр дафтари» туркумидан: «Абдулла Орипов». Видеофильм 3-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
23.35-23.40 Хайрли тун.

### «Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Ит уяси».
17.45 Болажонлар экрани.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 20.50, 21.45 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 ТТВда сериал: «2000 йилдан сўнг».
20.20 «Бурч ва масъулият».
21.05 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».
22.05 Кинонигоҳ. «Сиэтлдаги бедорлар».
23.35-23.40 Хайрли тун, шаҳрим!

### «Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 7.00-8.30.
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Вести».
17.45 «Моторола». Ҳужжатли фильм.
18.15 «Бир осмон остида».
18.30 «Евроньюс» янгиликлари.
18.50 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.50 «Нина». Сериал.
21.00 «Время».
21.30 «Бизнес ревю».
21.35 «Юқори технологиялар олами».
21.45 «Дунё маданияти дурдоналари».
22.05 «FCN Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
22.15 «Ахборот».
22.50 «Гала концерт».
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телеҳамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнжерс ёки кучли рейнжерлар» Сериал. 10.40, 16.00 «30»да спорт. 11.10 «Сан-Тропе». Сериал. 12.00 «Беверли хиллзлик полициячи-3». Фильм. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.40 Ҳужжатли сериал. 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Ҳеч нарсага қарамай». 19.30 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 19.45 «Турецкий марши». Сериал. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Шер уяси». 23.15 Спорт дастури.

# JUMA 21

### «Ўзбекистон» телеканали

5.15 Рамазон туҳфаси. «Лайлатул қадр».
5.35 Олтин мерос.
5.50 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Афросиёб».
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Шоирлар - болаларга».
2. «Цирк, цирк, цирк».
10.00, 12.00, 14.00 , 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Мулкдор».
10.20 «Мария, Мирабелла Транзисторияда». Бадиий фильм.
11.25 «Фанимиз истиқболлари».
11.45 «Мусиқа ва театр».
12.05 «Бир жиноят изидан».
12.30 ТВ анонс.
12.35 Болалар спорти: «Бир умр ҳамроҳим».
12.50 «Ошин». Телесериал.
13.50, 15.50 ТВ клип.
14.10 Телемулоқот.
14.50 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
16.00 Шотокан каратэ-до бўйича Ўзбекистон чемпионати.
16.20 «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
17.05 Рамазон туҳфаси. «Меҳр-шафқат олий фазилат».
17.25 «Тарих кўзгуси».
17.45 «Боликнинг мовий осмони».
18.10 «Мувозанат».
18.30 «Агар Сиз». Ток-шоу.
18.55 ТВ клип.
19.05 «Ҳаёт ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 ТВ клип.
21.40 «ЎзДЭУ авто Сиз учун».
21.55 «Қиш сонатаси». Телесериал.
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ-анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Бешбармоқ.
9.45 «Мульттомоша».
10.00 Тонгги сериал: «Рамаяна».
10.35 «Давр» - интервью.
10.50 ТВ-анонс.
10.55 Мезон.
11.15 ТВ-адвокат.
11.20 «Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Сарчашма».
12.30 «Умр дафтари» туркумидан: «Абдулла Орипов». Видеофильм 3-қисм.
12.50 «Шарқ тароналари» фестивали оҳанглари.
13.00 Давр.
13.10 ТВ-анонс.
13.15 Болалар учун мультсериал: «Ака-ука Гримм эртаклари».
13.40 Ракурс.
14.00 Интерфутбол.
15.40 «Фарзандим-жигарбандим». Маҳалла ҳаётидан лавҳалар.
16.05 «Мулоқот». Телевизион бадиий фильм.
16.40 ТВ - анонс.
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?, Шум болалар.
17.25 Ёшлар - ОИТС ва гиёҳвандликка қарши.
17.40 «Япониянинг боқий маданияти». Сериал 13-қисм (якунловчи)
18.00 Кафолат.
18.10 Қишлоқдаги тенгдошим.
18.30 Аскар мактублари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 ТВ - анонс.
20.00 Меҳр кўзда.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 «Умр дафтари» туркумидан: «Абдулла Орипов». Видеофильм 4-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Футбол плюс, 2. Ринг қироллари.
0.05 – 0.10 Хайрли тун.

### «Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Ит уяси».
17.45 Болажонлар экрани.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Хайрли оқшом».
18.30, 20.00, 20.55, 21.50 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 ТТВда сериал: «2000 йилдан сўнг».
20.20 «Навбатчи қисм».
20.45 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Тошкент».
21.10 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».
22.10 Кинонигоҳ. «Уч қочоқ».
23.40-23.45 Хайрли тун, шаҳрим!

### «Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 7.00-8.30.
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Вести».
17.45 «Бинафша».
18.10 «Форт Боярд».
19.30 «Евроньюс» янгиликлари.
19.50 «Мўъжизалар майдони».
21.00 «Время».
21.30 «Бизнес-ревю».
21.35 «Дурдаршан».
22.00 «Стиль».
22.15 «Спорт технологияси».
22.35 «Хит парад».
23.05 «Ахборот».
23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телеҳамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнжерс ёки кучли рейнжерлар» Сериал. 10.40 «Кикбоксинг империяси». 11.10 «Сан-Тропе». Сериал. 12.00 «Шер уяси». Фильм. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 "30" да спорт. 16.40 «Ҳужжатли сериал». 18.00 «30-канал»да ринг қироллари. 18.50 Юмор дастури. 19.30 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 19.45 «Турецкий марши». Сериал. 21.05 «Клип-совға». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Астерикс ва Обеликс. Клеопатра вазифаси». 23.15 Спорт дастури.

# SHANBA 22

### «Ўзбекистон» телеканали

5.15 Рамазон туҳфаси. «Меҳр-шафқат - олий фазилат».
5.35 «Алпомиш изидан». Видеофильм. 1-қисм.
5.55 Олтин мерос.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
2. «Боликнинг мовий осмони».
10.00 «Мусиқа дунёси». Телеальманах.
10.20 «Бу турфа олам».
11.10 «Барҳаёт сиймолар».
11.30 «Бири кам дунё». Аббос Бакиров номидаги Андижон вилоят ёшлар театрининг спектакли. 1-қисм.
12.30 «Изҳор».
12.50 «Агар Сиз». Ток-шоу.
13.15, 15.30 ТВ анонс.
13.20 «Қиш сонатаси». Телесериал.
14.30 Эстрада тароналари.
14.50 «Бири кам дунё». Аббос Бакиров номидаги Андижон вилоят ёшлар театрининг спектакли. 2-қисм.
15.35 «Банифаций таътилда». Мультфильм.
15.55,16.35 ТВ клип.
16.05 «Ягона оилада».
16.40 «Адабий жараён».
17.05 Рамазон туҳфаси. «Баркамол авлод тарбияси».
17.25 Болалар спорти: «Маҳалламиз стадиони».
17.40 «Аския».
17.55 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
18.25 «Рангин дунё».
18.45 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
21.20 «Гап чиқди».
21.55 «Қиш сонатаси». Телесериал.
23.05 «КиноТеатр».
23.25 «Ахборот-дайжест».
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» нигоҳи.
9.35 ТВ-анонс.
9.40 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?, Шум болалар.
10.15 «Мульттомоша».
10.30 Табобат оламида.
10.55 Ринг қироллари.
11.45 Мусиқий лаҳзалар.
12.00 Кутилмаган меҳмон.
12.20 «Гвадалупе». Телесериал.
13.00 «Умр дафтари» туркумидан: «Абдулла Орипов». Видеофильм 4-қисм.
13.20 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.
14.10 Меҳмонхона.
14.30 Болалар экрани: «Капитан Хук». Бадиий фильм 1-қисм.
15.40 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.00 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
16.50 «Ёрилтош». Видеофильм.
17.20 ТВ-анонс.
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма, Келинг, танишайлик.
18.10 «Танаффус». Мультфильм.
18.20 «Олов билан юзма-юз».
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - репортаж.
19.45 ТВ-анонс.
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.00 Саёҳатнома.
20.20, 21.10, 22.35 Эълонлар.
20.25 «Мурувват». Бадиий фильм 1-қисм.
21.15 Оҳанрабо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 Кинотақдим.
23.05 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Тикка йўл адоғи». Бадиий фильм.
1.00-1.05 Хайрли тун.

### «Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Ит уяси».
17.45 «Мультчархпалак».
18.05, 22.25 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Билим» телеклуби.
18.30 «Афиша».
18.50 «Мисли гавҳар».
19.05 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.35 «Жаҳон географияси».
20.05 «Нима учун?»
20.35 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Қандай гўзал бу дунё».
20.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.15 «ТВ плюс».
21.45 ТТВда сериал: «2000 йилдан сўнг».
22.35 Кинонигоҳ. «Серқуёш водий таронаси».
24.00-00.05 Хайрли тун, шаҳрим!

### «Халқаро» телеканал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 Мультфильм.
10.10 «Лаззат».
10.30 «Уйга қайтиш».
11.30 Болалар соати. Бадиий фильм.
12.40 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
13.10 «Ишбилармон кишилар».
13.30-14.30 Дўстлик видеоканали: «Бағри кенг. Ўзбекистон», «Адўнлар», «Бизнен мирас».
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Билишни истайман».
16.50 «Мусиқий серпантин».
17.10 Премьера. Жеки Чан, Жан Клод Ван Дамм, Рутгер Хауэр. «Трюкачлар» экстремал шоусида.
18.00 «Янгиликлар».
18.10 «КВН-2003». Премьер-лига.
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
21.00 «Время».
21.25 «Сўнгги қаҳрамон».
22.30 «Олтин граммофон».
23.30 «Ахборот».
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин».

### 30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телеҳамкор». 9.30 «Инспектор Гаджет». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Маърифий дастур». 12.00 Оилавий кино. «Астерикс ва Обеликс. Клеопатра вазифаси». 13.40 Шоу дастури. 14.30 Ҳинд киноси. 17.00 Телеўйин. 18.10 «30-канал» кинооқшоми. "Келишувсиз". 19.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 20.00 «Спорт-экстрим». 20.30 "Клип-совға". Телетабрикнома. 21.05 «Ғурурлик кодекси». Сериал. 22.00 «30-канал»да кинооқшом. «Қимматбаҳо юк». 23.45 Мусиқий дастур.

# YAKSHANBA 23

### «Ўзбекистон» телеканали

5.15 Рамазон туҳфаси. «Баркамол авлод тарбияси».
5.35 «Алпомиш изидан». Видеофильм. 2-қисм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.45 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.50 Олтин мерос.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа олам».
12.10 «Рақибингиз - гроссмейстер».
12.25 «КиноТеатр».
12.45 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
13.25 «Қиш сонатаси». Телесериал.
14.35 «Гап чиқди».
15.10 «Кўҳна замин оҳанглари».
15.30 «Атлантида сирлари». Мультфильм.
16.45 «Қалб гавҳари».
17.05 Рамазон туҳфаси. «Саҳоват - инсон кўрки».
«Болалар сайёраси»:
17.25 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.20 «Олимп сари йўл».
18.35 «Оқ ва қора». Телешоу.
19.10 «Бизнес ҳафта».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Кун мавзуси».
21.25 ТВ клип.
21.35 «Яхшилик».
22.10 «Қиш сонатаси». Телесериал.
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 ТВ-анонс.
9.05 «Давр» - репортаж.
9.15 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма, Келинг, танишайлик.
9.55 Қувноқ стартлар.
10.25 Очил дастурхон.
10.45 Чемпион сирлари.
11.05 Меҳр кўзда.
11.45 Аскар мактублари.
12.05 «Қилни қирқ ёриб...» Интеллектуал ўйин.
12.55 ТВ-анонс.
13.00 Оҳанрабо.
13.40 Болалар экрани: «Капитан Хук». Бадиий фильм 2-қисм.
14.50 Мусиқий лаҳзалар.
15.00 Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллиги олдидан: «Муқаддас маскан».
15.20 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Бойсун».
15.40 Ёшлар овози.
16.00 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
16.50 ТВ - анонс.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, Бахтли болалик.
17.40 «Маҳмадона». Мультфильм.
17.50 Маслаҳат.
18.35 Спорт ҳафтаномаси.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» - news.
19.20 ТВ-анонс.
19.25 Мусиқий лаҳзалар.
19.40 Минг бир ривоят.
19.45 Очун.
20.10, 21.00, 22.30 Эълонлар.
20.15 «Мурувват». Бадиий фильм 2-қисм.
21.05 «Заковат» саралаш ўйинлари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 ТВ-анонс.
22.40 «Вафо». Бадиий фильм.
0.15 – 0.20 Хайрли тун.

### «Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Ит уяси».
17.45 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
19.25, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
19.35 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.05 «Жаҳон географияси».
20.35 «Шунақа гаплар». Ҳажвий кўрсатув.
20.55 «Озод ва обод юрт».
21.15 ТТВда сериал: «2000 йилдан сўнг».
22.05 Кинонигоҳ. «Фиръавн ва Робберсонлар».
23.30-23.35 Хайрли тун, шаҳрим!

### «Халқаро» телеканал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Инглиз тили курси».
9.15 «Соғлом овқатланиш сирлари».
9.25 Мультфильм.
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
11.10 «Уйғоқ кайфият». Информацион-дам олиш кўрсатуви.
12.40 «Экран зийнати ва қиймати».
13.05-14.25. Дўстлик видеоканали: «Дидар», «Айчурек», «Ватан сурури», «Чинсэн».
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Мультсеанс».
18.30 «Дунёга назар».
19.00 «Қийшиқ кўзгу». Е. Петросян таклиф этади.
21.00 «Тенгдошлар».
21.30 «Кинопрофи».
21.50 Кинематограф. «Соврин». Бадиий фильм.
23.50 «Таҳлилнома».
00.30 Бокс. Денис Инкин – Хилтон Сантос.
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин».

### 30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.40, 20.45 "Телеҳамкор". 9.30 "Инспектор Гаджет". Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 12.00 Оилавий кино. «Қимматбаҳо юк». 13.40 Шоу дастури. 14.30 Кундузги кинозал. "Огарёва-6". 16.10 Маърифий дастур. 16.40 Мусиқий дастур. 17.00 Телеўйин. 18.10 "30-канал" кинооқшоми: «Лос-Анжелесдаги ҳалокат». 19.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 20.00 «Спорт-экстрим». 21.05 «Ғурурлик кодекси». Сериал. 22.00 "30-канал"да якшанба кинооқшоми. «Ўргимчак-2». 23.30 Спорт шарҳи.

Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уйда жойлашган

# «Ўзмевасабзавотузумсаноат — холдинг»

**компанияси ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2003 йил 15 декабрь куни соат 11.00 да холдинг компанияси мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.**

**Умумий йиғилишга қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати (реестри) 2003 йил 15 ноябрь ҳолатига кўра тузилди.**

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.08.02 й. 286-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига чет эл банки кредитининг 7,8 млн. евро миқдорига тенг қисмини шиша-идиш ишлаб чиқариладиган заводнинг ишлаш даврида пул миқдори камайган ҳолатларида ажратиш тўғрисида кафиллик шартномасини тақдим этиш тўғрисида.

Умумий йиғилишни ўтказишга доир ҳужжатлар билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. Тел: 144-49-93, 144-49-96.

Кузатув кенгаши.

## Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент вилояти филиалида

**2003 йил 5 ноябрь** куни ўтказилган кимошди савдосида Оҳангарон туманида жойлашган сатҳи 0,06 га бўлган ва сатҳи 0,04 га бўлган 2 та ер майдони жами 91000 сўмга, Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, ВАЗ-2108 русумли, ВАЗ-21061 русумли давлат автоpанспортлари жами 1900000 сўмга, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат авторанспорти 2200000 сўмга сотилди.

**2003 йил 3, 5, 7 октябрь** куни ўтказилган биржа савдосида Қибрай ва Янгийўл туманлари ҳудудида жойлашган жами 5 та нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой биноси жами 1050000 сўмга, Қибрай, Бўстонлиқ, Ўртачирчиқ, Тошкент, Чиноз туманлари ва Оҳангарон, Чирчиқ шаҳарлари ҳудудида жойлашган 11 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 29092000 сўмга сотилди.

**ДИҚҚАТ!** «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 25.10.2003 йил № 87-сонидаги

«Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси Тошкент вилояти бошқармасига қарашли УАЗ-31512 русумли, 1996 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11АЕ 775 бўлган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 635 100 сўм**» жумласи

«Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси Тошкент вилояти бошқармасига қарашли УАЗ-31512 русумли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 63-05 ТНБ бўлган автотранспорт воситаси.

**Бошлонғич баҳоси – 576 900 сўм**» деб ўқилсин.

## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2003 йил 17, 24, 31 декабрь кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги кимошди савдоларига таклиф этади.

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

**1.** Тошкент вилояти, Оҳангарон туман давлат солиқ инспекциясига қарошли ВАЗ-21063 русумли, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 19-57 ТША бўлган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси – 462 400 сўм.**

**2.** Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани давлат солиқ инспекциясига қарашли ВАЗ-21061 русумли, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11АС 799 бўлган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси – 747 100 сўм.**

**3.** Оққўрғон тумани ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, Оққўрғон тумани, «Тоштўғон» қишлоғи ҳудудида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,06 га бўлгон 8 та ер майдони.

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 64 000 сўм.**

Кўчмас мулк объектлари ва автотранспорт воситаларига ариза қабул қилиш кимошди савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Ер майдонларига ариза қабул қилиш кимошди савдосидан уч кун олдин тўхтатилади.

Бундан ташқари, олдинги кимошди савдолорида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам ушбу савдоларга қўйилади.

**Эслатма:** сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордерини олиш учун, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблоғ ва баҳолаш хизмат ҳақини алоҳида «Xususiylashtirishga ko'maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

**Бизнинг манзилимиз:** Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

**Мурожаат учун телефонлар:** 133-28-52, 133-77-18, фокс: 133-43-73.

## ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! КИМОШДИ САВДОСИ

Пскент туман суди биносида 2003 йил 29 ноябрь соат 10.00 да кимошди савдоси ўтказилади.

Кимошди савдосига қўйиладиган автоуловлар ва уларнинг бошланғич нархлари қуйидагича:

«КамАЗ» — 2 000 000 сўм.
«Тойота» микроавтобуси — 1 000 000 сўм.
«Нексия» — 3 000 000 сўм.
«ГАЗ-53» бензовози — 500 000 сўм.
«КАВЗ-3071» — 1 000 000 сўм.
«КАВЗ-3070» — 500 000 сўм.

*Кимошди савдосида қатнашадиган корхоналар, фуқаролар бошланғич нархнинг 10 фоизи миқдорида тўлов тўлашлари лозим.*

**Маълумотлар учун манзил:** Тошкент вилояти, Пскент туман суди биноси.
**Телефон:** 8 (254) 52-132.

## ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг Тошкент вилояти бошқармасида бозор ислоҳотларини амалга оширишга қаратилган қонунчиликнинг вилоятда сўзсиз бажарилишини таъминлаш ҳамда тадбиркорликни, хусусий мулкчиликни ривожлантириш ва хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қонунлар ижроси, мансабдор шахсларнинг суиистеъмоллиги ва бюрократик тўсиқларни қатъий тугатиш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий ишлардаги фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш каби вазифаларни бажариш юклатилган бўлимлар фаолият кўрсатмоқда. Мазкур бўлимларга қуйидаги ишонч телефонлари бириктирилган:

**Адлия бошқармаси қабулхонаси — 53-82-61.**

**«Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» бўлими — 53-30-02.**

**«Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш» бўлими — 53-61-25.**

**«Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш» бўлими — 53-84-00.**

**«Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими» — 53-62-85.**

Сиз ўзингизни қизиқтирган савол ёки мавжуд муаммолар тўғрисида ишонч телефонларига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

**Адлия бошқармаси маъмурияти.**




## ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЭЪТИБОРИДА

Германиянинг БМТдаги доимий вакили Гунтер Плойгер раҳбарлик қилган Хавфсизлик кенгашига аъзо ўн беш давлат вакилларидан иборат делегация Афғонистонда бир ҳафта бўлиб қайтгач, сафар натижалари бўйича Хавфсизлик кенгашига ҳисобот берди.

Ҳужжатда Афғонистон ҳукумати халқаро ҳамжамият кўмагида мамлакатни қайта тиклаш жараёнида кейинги икки йил давомида катта муваффақиятга эришгани таъкидланган. Гарчи мамлакатда тинчлик ва хавфсизлик аста-секин қарор топаётган бўлса-да, тўла барқарорлик ўрнатиш учун ҳали кўп иш қилиниши керак, дейилади ҳисоботда. Бунинг учун ёлғиз Афғонистон ҳукуматининг кучи камлик қилади. Шу боис унга халқаро ҳамжамиятнинг мувофиқлаштирилган узлуксиз сиёсий ва молиявий кўмаги зарур.

## МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ ФИКРИ

АҚШда чоп этиладиган «Балтимор Сан» газетасида хабар қилинишича, Пентагон партизанлик ҳаракатларига қарши курашга Ироқнинг собиқ ҳарбий хизматчиларини жалб этиш масаласини кўриб чиқаётир. Режага кўра, келаси йил кузга қадар Ироқда ички тартибни сақлаш ишларига сафарбар этиладиган маҳаллий аҳоли вакилларининг сафи кенгайтирилади.

Ҳозир ироқликлардан ташкил этилган ҳарбий бўлинмаларда бир юз ўн саккиз минг киши хизмат қилмоқда. АҚШ мудофаа вазири Доналд Рамсфелд журналистлар билан учрашувда 2004 йилда бу рақам икки юз йигирма мингга етишини маълум қилди.

Пентагон раҳбарининг фикрича, мазкур ҳарбий бўлинмалар Ироқдаги коалиция кучлари каби етарли жанговар тайёргарлик ва малакага эга эмас. Лекин маҳаллий шароитда улар яхшироқ ҳаракат қила олади.

## ҚУРБОНЛАР ЎН ЕТТИТА

Саудия Арабистони ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, Ар-Риёдда амалга оширилган қўпорувчилик ҳаракатлари оқибатида қурбон бўлганлар 17 кишидан ошган. Улар орасида болалар ҳам бор.

Шунингдек, портлаш содир этилган «Ал-Муҳайя» турар-жой мажмуида истиқомат қилувчи 122 киши оғир жароҳат олган.

## ДЕКАБРДА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ

Ироқнинг вақтли бошқарув кенгаши мамлакат конституциясини ишлаб чиқиш ҳамда сайлов ўтказишни назарда тутувчи ҳужжатни шу йилнинг декабрь ойида БМТ Хавфсизлик кенгашига тақдим этажагини маълум қилди. Ироқ ташқи ишлар вазири Ҳошияр Зибарий Бағдодда Испания ташқи ишлар вазири Аной Паласио билан биргаликда ўтказган матбуот анжуманида шундай деди.

## ЗОТИЛЖАМГА ДАВО ИЗЛАБ

Ўтган йили Хитойда тарқалган ғайриоддий зотилжам касаллигининг олдини олиш учун дунё олимлари изланишда давом этмоқда.

Гонконг университети ва Париждаги Пастер институти биологлари ҳамкорликда уч йиллик илмий тадқиқотларга асосланган вакцина лойиҳасини ишлаб чиқишга киришдилар. Бунинг учун 1,3 миллион доллар миқдорида маблағ ажратилган.

Хабарларга қараганда, лойиҳа кейинги ойда дастлаб жониворларда синаб кўрилади. Аммо бунга икки йилча вақт керак бўлар экан. Агар клиник текширув муваффақиятли якунланса, лойиҳа кейинчалик амалий тажрибада ҳам қўлланиши мумкин.

Шарҳловчи минбари

# ПЕКИН УЧРАШУВИНИНГ ИККИНЧИ ДАВРАСИ

*Шимолий Кореянинг ядровий дастури билан боғлиқ муаммолар ҳамон долзарблигича қолмоқда. Бундан бир ойча аввал Пекинда Хитой, Шимолий Корея, АҚШ, Япония, Россия ва Жанубий Корея иштирокида ушбу масалани ҳал қилиш учун олти томонлама музокараларнинг биринчи даврасы бўлиб ўтган эди. Гарчи биринчи даврада аниқ натижаларга эришилмаган бўлса-да, муҳими, томонлар муаммони тинч музокаралар йўли билан ҳал этишга истак билдираётгани намоён бўлганди. Кейинчалик Пхенян ҳам музокараларни давом эттириш мақсадга мувофиқ эканини маълум қилди.*

Айни пайтда ушбу олти томонлама музокараларнинг иккинчи даврасига тайёргарлик кўрилмоқда. Музокараларда асосий гап Шимолнинг ядровий дастурига чек қўйиш масаласи устида борса-да, яна бошқа масалалар ҳам кун тартибига қўйилиши мумкин.

Япония навбатдаги музокараларда ҳам бундан чорак аср муқаддам Шимолий Корея махсус хизмати томонидан ўғирлаб кетилган японияликларнинг тақдири билан боғлиқ масалага аниқлик киритишни талаб қилмоқчи.

Япония ташқи ишлар маҳкамаси ушбу режасини музокараларда воситачилик қилаётган Хитой расмийларига маълум қилди. Энди Хитой японияликларнинг мақсадини Пхенянга етказиши лозим.

Япония ташқи ишлар вазири ўринбосари Юкио Такэутининг таъкидлашича, Токио ўғирланган японияликлар масаласини Шимолий Кореянинг ядровий дастури муаммолари билан биргаликда муҳокама этиш истагида.

Бироқ бу масалада Пекин Токиони қўллаб-қувватламаяпти. Хитой расмийларининг фикрича, олти томонлама музокараларда иштирок этувчи давлатлар асосий эътиборни фақат КХДРнинг ядровий дастури билан боғлиқ масалага қаратиши керак. Ўғирланган японияликлар тақдири эса Пхенян билан Токио ўртасида алоҳида кўриладиган масала бўлмоғи лозим.

Хитой билдирган фикрни Россия ҳам маъқуллаяпти. АҚШ президенти Жорж Буш эса олти томонлама музокараларда кўриладиган асосий масала Шимолнинг ядровий дастури билан боғлиқ муаммони ҳал этишдан иборат, деди.

Ўтган йили Пхенян раҳбарияти 1970-80-йиллари 13 нафар японияликнинг Шимолга ўғирлаб олиб кетилганини тан олганди. Пхенян улардан КХДР разведка мактабларида йўриқчи сифатида фойдаланган. КХДРнинг маълум қилишича, ўғирланганларнинг саккиз нафари ҳозир ҳаёт эмас, беш нафарига эса ватанига қайтишга рухсат берилган. Шу боис Шимол бу масалага аллақачон нуқта қўйилиши лозим, демоқда. Бироқ Япониянинг фикри ўзгача. Токио бу борада текширув ишлари давом эттирилишини талаб қилаётир.

***Саидмурод РАҲИМОВ,***
***ЎзА шарҳловчиси.***



*Дунёга машҳур итальян транспорт воситаси – гондола.*

Турфа олам

## ИККИ СОАТ БЕТИНИМ ХАНДА



Сиз ҳам икки соат тўхтамай кула оласизми? Эфиопиялик Белачю Гирма роппа-роса икки соат кулиб, Гиннесснинг рекордлар китобидан ўрин олишга муяссар бўлди. У мамлакат пойтахти Аддис-Абебадаги бош майдонга чиқди-да, тиловат қилди ва гувоҳлар қаршисида кулишни бошлаб юборди.

## ТЎРТ КИЛОМЕТРЛИК МАКТУБ

Хитойлик ҳуснихат устаси, машҳур хаттот Дан Тяньпэя Хитой маданиятининг «олтин асри» саналган Тан даврида пайдо бўлган хаттотликни санъат даражасига кўтариш учун беш йил тинимсиз меҳнат қилди.



Д.Тяньпэя узунлиги тўрт километрга тенг қоғоз матога етти миллионга яқин иероглифни ёзди.

Унинг бу ютуғи яқин кунларда Гиннесснинг рекордлар китобига киритилса, ажаб эмас.

## ВЕЛОСИПЕДДА ОИЛАВИЙ САЁҲАТ

АҚШлик жаҳонгашта эр-хотин велосипедда дунё бўйлаб саёҳатга отланган эди. Улар куни кеча Эронга етиб келди.

Даниэл ва Диана Хилтон сафарини ўтган йилнинг сентябрида Голландиядан бошлаган эди. Эронгача улар 12 мамлакат ҳудудини босиб ўтди.



Диана Хилтон – мўйқалам устаси. У Эронда бу мамлакатнинг гўзал манзараларини матога туширишга ҳам улгурди. Шу боис саёҳати ниҳоясида у чизган суратлар кўргазмаси намойиш этилди.

Сайёҳ эр-хотин Эрондан сўнг Покистон, Бангладеш, Непал, Ҳиндистон, Мьянма, Таиланд ва Малайзия каби мамлакатларга йўл олажагини маълум қилган.

Турфа олам

***(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).***

## Bolalik bog'i

### KUZ

Sarg'ayib to'kilar
bog'lar ko'ylagi,
Arig'u yo'llarni xazon qoplaydi.
Kumush soqolida mezon ipagi,
Bo'gda bobom xazon to'playdi.

Bag'riga bosadi
barglarni xazin,
Sertomir kaftiga olib silaydi.
Yaproqlar singari yuzlari ajin,
Bog'da bobom xazon to'playdi.

Ermagi tongdan shu...
ermakmi, ermak...
Bahor kunlarini qayta topsaydi,
Bedoru bezovta titraydi yurak,
Bog'da bobom xazon to'playdi.



*Abdulxay NOSIROV.*

## Ҳаёт сабоқлари

# Оқим билан оқаётган одамлар

Дунёда турфа феълли одамлар яшайди. Ҳаммасининг ўзига яраша яхши-ю ёмон томони бор. Ҳаммамиз ҳам бу бир кам дунёда бир кам феъл билан яшаб юрган бўлсак, ажабмас...

Гоҳ бировни ёмон дейишга ҳаддимиз сиғмайди, яхши дейишга тилимиз чоғланмайди. Андишали халқ бўлганимиз учун жуда кўп гаплар ичимизда қолиб кетади. Бировнинг юзига тик туриб айтадиган одамлар эса унча кўп эмас. Борларини ҳам баъзилар элнинг манфаатидан кўра ўзининг манфаатини кўпроқ пешлаб гапиради.

Мен сизларга кўнглимдаги бу мушоҳадаларимни айтяпман-у кўз олдимдан бир одам кетмайди. Юқоридаги фикрларим ҳам шу одамнинг: «Инсон қадри мансаб ёки бойлик билан ўлчанадими?» деб суҳбат орасида берган саволидан кейин туғилди. Суҳбатимиз эса бундай кечди, тўғрироғи, у киши бир воқеани шундай ҳикоя қилиб берди:

— Хабарингиз бор, шу туманда узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаб, нафақага чиққанман. Ўша «довруғли» кунларимда атрофимда пилдираб юрган болалар энди катта бўлишиб, катта-кичик курсиларда ўтирибди. Ёшинг ўтгандан кейин ҳар нарсага диққат билан назар соладиган бўлиб қоларкансан, одам. Баъзиларнинг гапи-ю қилиғини кўриб, рости уялиб ҳам кетаман денг.

Бугун бир раҳбарни мақтаса, ишдан кетгач, орқасидан тош отиб, янгисини мақтай бошлайди. Тунов куни денг, бир йиғинга таклиф қилишди, бордим айтилган жойга. Дастурхон тузалган уйга кирсам, тўрда бир маҳаллар менинг таърифимни роса келтириб юрадиган иккита укам ҳеч кимга гап бермай ўтирибди. «Устоз, устоз» деб орқамдан югуриб юрадиган бу «укаларим» тўрга ўтинг демади. Майли, жойнинг катта-кичиги бўлмайди, деб пойгакда ўтиравердим. Гап бошқа томонда. Улар менинг ўрнимга бўлган ташкилот раҳбарини чунонам таърифлаб мақташдики, қулоқларимга ишонмай қолдим.

Эсимда бор, даврада ўтирган шу икки йигит бир маҳаллар ҳозирги раҳбар устидан менинг номимга шикоят ёзиб келган эди. Бугун эса бундай ҳол. Хўш, ука, буни нима деб баҳолайсиз энди, мана сиз инсонлар ҳаётига оид кўп нарсалар ёзиб юрибсиз.

Суҳбатдошим менга савол назари билан қаради, мен эса унга «Оқим билан оқаётган одамлар ҳали орамизда кўп» деб жавоб бердим ва ўз таърифларимни шундай баён этдим:

— Оқим билан оқаётган одамларда кексаларга, олдин ишлаб кетган катта-кичик раҳбарларга ҳурмат ёки иззат мутлақо бўлмайди. Чунки бу тоифа одамлар фақат манфаат кўрадиган йўлдан юришади. Амалдан кетганларга ҳурмат кўрсатиб, ҳеч ким манфаат кўрмаган, деган фикр уларнинг ақлини қайраб туради.

— Оқим билан оқаётганларнинг юрагида доимо қўрқув бўлади. Бу қўрқув шундан иборатки, олдинги раҳбарни мақтаб қўйсам, янгисининг қулоғига етиб қолса, мени ёмон кўриб қолиши мумкин деб ўйлайди. Шунинг учун ҳам қайси аравага тушса, шу аравадаги қўшиқни айтади. Кимнинг қўшиғини айтсанг ҳам яхши яшасанг бўлди-да, деган тушунча уларга таскин бериб туради.

— Оқим билан яшаётган одамлар аслида «хўп-хўп»чиларнинг сафини тўлдириб турадилар. Улар қилинган ҳар қандай ишнинг натижаси, фойдалими-зарарлими ўйлаб кўришмайди ва «хўп-хўп» билан ишга киришиб кетишаверади.

— Оқим билан оқаётган одамларнинг туриш-турмуши, яшаш тарзи бошқаларга, айниқса, ёшларга салбий таъсир кўрсатади. Улар тушуниб-тушунмай, шундай одамларга тақлид ёки эргашиб яшайдилар.

Суҳбатдош фикрларимни эшитиб яна гап очди:

— Биласизми, ука, сизнинг бир шеърингиз бор, шуни кўп давраларда айтиб тураман:

Чархпалак дунёмас, чархпалак феълмиз,
Айтган шу гапимни яхшиликка йўй:
— Отга минганларга қўлингни берсанг,
Отдан тушганларга елканг тутиб қўй.

Оқимда оқаётганларга бу гаплар чикора, албатта. Юрт мустақил бўлди, эл озод бўлди. Энди фикримиз ҳам, тушунчаларимиз ҳам озод бўлиши керак!

Оқим билан оқаётган одамлар дунёда энг шўри бор одамлардир. Улар бир умр шамолнинг қай томондан эсаётганини билиш учун бошини дам буёққа, дам уёққа буриб яшайдилар. Бошини у томон билан бу томонга ураверадиган одамнинг бу дунёда ҳаловати бўлмайди. Ҳаловати йўқ одамдан эса яхшилик кутиб яшаманг.

Мен унинг гапига қўшимча қилмадим. Бу гапларни ҳамма ўзича талқин қилгани маъқул. Тўғри эмасми?

*Ҳамид НОРҚУЛ.*

## Шеъриятни қисмат билган шоир

Ўзбек миллий Академик театрида юрт мустақиллиги, эл фаровонлиги йўлида ижод қилган оташин қалб эгаси Усмон Носир таваллудининг 91 йиллиги ва Тошкент матбаа коллежига шоир номининг берилганлигига 15 йил тўлиши муносабати билан «Ҳаёт ва шеърият ошиғи» мавзусида илмий-адабий анжуман бўлиб ўтди.

Унда атоқли шоир ва ёзувчилар, олимлар ҳамда талабалар иштирок этишди. Анжуманда сўзга чиққанлар Усмон Носирнинг қисқа умри давомидаги эрк, ҳуррият йўлидаги қайноқ ижоди ҳақида гапирдилар.

Тадбирда матбаа коллежи ўқувчилари томонидан «Усмон Носир» деб номланган саҳна кўриниши намойиш этилди.

*Даврон АБДУЛЛАЕВ.*

### Об-ҳаво



Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 15 ноябрь куни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-8, кундузи 14-16 даража иссиқ бўлади.

Тоғли ҳудудларда вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-8, кундузи 11-14 даража иссиқ бўлади.

## Рассом хандаси



Изоҳнинг ҳожати йўқ. *А. ХАКИМОВ чизган сурат.*


Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги «ADVISER» МЧЖ аудиторлик компанияси (код ОКПО 185570074)
**ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида Госпиталь мавзеси, Нукус кўчаси, 29-уйда қабул қилинади. **Тел.** 55-73-91.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги «INTEXNIKA» масъулияти чекланган жамияти (код ОКПО 14903384)
**ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. **Манзил:** Гулобод мавзеси, 30-уй, 29-хона. **Тел.** 144-75-72, 121-76-23.

«Туронгул» жамоа корхонаси мақоми «Туронгул» хусусий фирмасига
**ЎЗГАРТИРИЛДИ.**

Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги «DI-MAX» масъулияти чекланган жамияти
**ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 45-90-83, 45-83-13 телефонлари орқали қабул қилинади.

«GEOMAX» ОАЖ (код ОКПО 18522012) ўзининг масъулияти чекланган жамият сифатида қайта ташкил этилаётганини маълум қилади. **Тел:** 117-44-92.
**Кузатув кенгаши.**

Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманидаги «Тулпор – Бизнес» хусусий фирмаси (ОКПО 321210)
**ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 29-95-16 телефон орқали қабул қилинади.

Чиноз туманидаги 27-ўрта мактаб томонидан 1974 йилда Дусинбек Камчинбекович Бурибеков номига берилган А 665056 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармаси жамоаси Бекобод шаҳар босмахонаси директори, бошқарма ҳайъати аъзоси Рафатжон Муҳаммаджонович Баҳромовга онаси **Анифе АБИБУЛЛАЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Тошкент ҳақиқати. Ташкентская правда.
Муассис ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-0045. Адади 3450. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. Саҳифаловчи: Умид АБДУШОҲИДОВ.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5